

# Xabar

9

(963)-son

4-mart

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Аёл билан мунаввар олам, уни асраб-авайланг ҳар дам!



Демократик тамойилларга асосланган мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўқиб, билим олишлари, меҳнат қилишлари, фарзандлар тарбияси билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Бугун аёлларни юртимиз иқтисодийётининг барча жабхаларида учратиш мумкин. Улар эркаклар билан бир сафда меҳнат қилиб, юртимиз ривожига муносиб хисса қўшмоқдалар, фарзандларини эл иши учун фидойи, юртпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбияламоқдалар.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўз касбига меҳр қўйган, ташкилотчи ва фидойи аёллар оз эмас. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан юртимизда алоқа соҳасининг ривожланишига, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг ортишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Биз соҳа қорхона ва ташкилотларида самарали фаолият юритаётган барча аёлларимизни яқинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами билан табриқлаймиз.

(Соҳа қорхоналари фидойи аёллари ҳақида газетанинг 4- ва 5-саҳифаларида хикоя қилинади).

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Япониянинг Thanko компанияси икки мегапикселли кўзгули мўъжаз фотоаппарат ишлаб чиқди.

MAME-CAM дея ном берилган ўзига хос бу қурилманинг оғирлиги атиги 11 грамм, ўлчамлари эса 30x27x27 мм.ни ташкил этади. Аппаратда 1600x1200 пиксел ўлчамда JPEG шаклида сурат олиш ва 32 гигабайтгача бўлган microSD хотира картасида сақлаш мумкин.



Бу ҳаммаси эмас, ажойиб камера ёрдамида AVI шаклидаги қисқа видео олиш имконияти ҳам мавжуд.

### Ушбу сонда:

Ижро интизоми назоратда	2
"Sitronics" хизматлари Ўзбекистонда	3
Развитие библиотечного обслуживания на базе ИКТ	6
Эъзоз топган аёл	12
Ишонч кафолати	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



Интернет  
ҳамкоримиз

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзида





## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида 25 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "2011 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2011 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати комиссияси мажлисида Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг 2010 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 20 ноябрдаги "Республика истеъмол бозорини айрим мактаб буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида "Ўзбекистон истеъмолчилари ахборот ресурслари" порталининг тақдимот маросими ўтказилди.

Пойтахтнинг "Истиқлол" санъат саройида "Истиқлол умидлари" ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан ташкил этилди.

Фуқаро муҳофазаси кuni ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 15 йиллигига бағишлаб "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш - устувор вазифа" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Ҳиндистоннинг Харяна штатидаги Суражқунд боғида ҳинд фольклори ва халқ амалий санъатига бағишланган "Суражқунд Крафтс Мела" - XXV юбилей фестивали ўтказилди. Фестивалда Ўзбекистон мазкур тадбирини ташкил этишда ҳамкорлик қилган давлат сифатида бевосита иштирок этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.



# Ижро интизомини назоратда

Йиғилишда дастлаб Агентликнинг Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудудлардаги таркибий бўлинмаларида ижро интизومي ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Арипов маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, режага асосан жорий йилнинг 17-21 январ ҳамда 14-19 феврал кунлари Агентликнинг Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий бошқармаларида, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ушбу вилоятлардаги қуйи таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизomini мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12 ва 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-қарорлари ҳамда Агентликнинг 2009 йил 29 декабрдаги 416-буйруғи билан тасдиқланган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ташкилий-бошқарув ҳужжатлар турлари, таркиби ва расмийлаштириш раҳбарий ҳужжати"нинг соҳага оид талабларининг бажарилиши ўрганилган.

Ўрганишларда ютуқлар билан бирга, камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, фуқаролар томонидан "Сирдарё Телеком" филиалига 2009 йилдан то ўрганиш ўтказилган кунга қадар 142та мурожаат келиб тушган. 116таси шикоят тарзида қайд этилган. Шундан 105 таси филиал айби билан келиб тушганлиги аниқланган, асосли шикоятлар 10 фоизга кўпайган. Филиал томонидан мурожаатларни белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Филиал ва бўлинмаларда идо-

равий архив хонаси белгиланган меъёрларга мос келади. Бироқ, "Сирдарё Телеком" филиалида идоровий архив хонаси ташкил этилмаган, ҳужжатлар йўриқномада белгиланган талабларга жавоб бермайдиган тартибда тарқоқ ҳолда бўлимларда оддий шкафларда сақланмоқда.

Сурхондарё вилояти ДАИга 2010 йил бошидан то ўрганиш ўтказилган кунга қадар почта ва телекоммуникация хизматлари иш сифатига доир жами 83та мурожаат келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилган. Ушбу мурожаатларнинг 21таси (25,3 фоизи) асосли деб топилган.

Йиғилишда Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги қуйи таркибий бўлинмаларда иш юритиш ни амалдаги қонунлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширишни ва ҳужжатлар билан ишлашда лоқайдликка чек қўйишни таъминлаш, юқори турувчи ташкилотнинг буйруқ ва фармойишлари асосида ички ташкилий-бошқарув ҳужжатини кечиктирмасдан ишлаб чиқиш ва ўз вақтида қабул қилиш, иш юритиш ва ижро интизomini назорат қилувчи масъул ходимларнинг олий маълумотга ҳамда шу йўналишдаги ишларни амалга оширишда етарли малакага эга бўлишни таъминлаш, идоровий архив ишларини марказий аппарат ва ҳудудларда белгиланган меъёр талаблари даражасида, вилоят ёки шаҳар давлат архиви билан ўрнатилган тартибда олиб боришни йўлга қўйиш, фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди.

"Алоқа ва ахборотлаштириш со-

## ➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

ҳасида халқаро муносабатларнинг жорий ҳолати ва уларни ривожлантиришда амалга оширилиши зарур устувор вазифалар тўғрисида" Агентликнинг халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бош-

лиғи С.Алимов ахборот берди. Ахборотчи ўтган йилларда соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан олиб борилган халқаро ҳамкорлик натижалари ҳамда бу борда йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида сўз юритди.

"Республика телекоммуникация тармоғида рақамлаш тизимини Халқаро электралоқа иттифоқи тавсиялари билан мувофиқлаштириш мақсадида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни "0" ва "00" орқали амалга ошириш тўғрисида" "Ўзбек-телеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қ.Юлдашев ахборот берди. Ахборотчи Халқаро электралоқа иттифоқи тавсиялари ҳамда "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси" раҳбарий ҳужжати талабларига мувофиқ шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқларига чиқиш учун "8" ва "8-10" кодларидан "0" ва "00" кодларига ўтиш, шунингдек, махсус хизматлар рақамларини "0X" ёки "0XX" дан "10X" ва "10XX"га ўтказиш белгиланганлигини маълум қилди.

"Ўзбектелеком" АК томонидан мазкур ишларни амалга ошириш мақсадида биринчи босқичда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи"даги "MT20/25" ва "Italtel" U-100 станцияларини реконструкция қилиш ҳамда EWSD станциялари дастурий таъминотини янгилаш (Upgrade) ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, "Alcatel" (S-12) коммутация станцияларини реконструкция қилиш учун ўтказилган ёпиқ тендер натижалари бўйича "Искрател" компанияси билан шартнома расмийлаштирилмоқда. Йиғилишда ушбу масала бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Аскарлар захирага бўшатилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан, 23 феврал кuni Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да аскарлар муддатли хизматни ўтаб бўлганликлари муносабати билан тантанали тадбир уюштирилди. Ушбу маросимга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий ашула ва рақс ансамбли таклиф этилди. Ансамбл жамоаси ўзининг кўнгилочар, ватанпарварлик туйғусидаги қуйи ва кўшиқлари билан маросимга ўзгача файз киритди.

Шунингдек, аскарларга Махсус авария-тиклаш бошқармаси раҳбарияти Ватан олдидаги конституциявий бурчларини аъло даражада ва намунали адо этганликлари ҳамда Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли бурчни юксак даражада ўтаганликлари учун ўз миннатдорчилигини билдириб, уларга келажак ишларида муваффақиятлар, юрт равнақи йўлида янада фаол бўлишларини тилади. 126 нафар имтиёзга эга бўлган аскарларга эса олий ўқув юртига киришларида омад тилади.

Ташкиллаштирилган тадбирдан аскарларимиз ўзларига унутилмас ва эсда қоларли маънавий озуқа олишди.

**Ш.КУРАЙШЕВ,**  
капитан, тарбиявий  
ишлар бўлими бошлиғи



# "Sitronics" хизматлари Ўзбекистонда

Республикадада ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик бошқа жабхалар катори алоқа соҳасида фаолият юритаётган чет эл компанияларининг юртимизга кизиқишлари ортишига, ўз хизматларини Ўзбекистон бозорига олиб киришига сабаб бўлмоқда. Ана шундай компаниялардан бири Россиянинг "SITRONICS" очик акциядорлик жамиятидир.

"SITRONICS" ОАЖ МДХ давлатларида телекоммуникациялар, ахборот технологиялари ва микроэлектроника соҳасига ечимлар етказиб берувчи етакчи компаниялардан бири бўлиб, унинг Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларига кириб бориш имконияти ошиб бормоқда. "SITRONICS" 3500дан зиёд мижозга хизмат кўрсатади. Компания жаҳоннинг 32 мамлакатига ваколатхона ва филиалларига эга бўлиб, 60дан ортиқ давлатга ўз маҳсулотларини экспорт қилади.

Яқинда пойтахтимиздаги "The Park Turon" меҳмонхонасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили доирасида бўлиб ўтган семинарда "SITRONICS" мутахассислари мамлакатимизнинг йирик алоқа корхоналари вакиллари фаолиятлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, кўрсатажак хизматлари ҳақида тўлиқ маълумот беришди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги расмий кўмагида бўлиб ўтган мазкур семинар "Замонавий ахборот технологиялари — замонавий давлатнинг тараққиёти негизи" мавзусига бағишланди.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, — деди семинарни очар экан Агентлик Бош директори ўринбосари Миродил Сангилов,

— "SITRONICS" компаниясининг энг янги маҳсулот-ишланмалари ҳақида юртимиз ИТ-компанияларини хабардор қилишдан иборат. Бундай семинарларни ўтказиш мамлакатда ахборот технологияларини ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Мақсадимиз ахборот-коммуникация технологияларини миллий даражада оммалаштиришдан иборат экан, бунга амалга оширишда "SITRONICS" каби йирик халқаро компанияларнинг Ўзбекистон бозорига пайдо бўлиши муҳим рол ўйнайди.

"SITRONICS" нинг етакчи экспертлари бозор трендлари, телекоммуникация соҳасида янги маҳсулотлар, шаҳарлар хавфсизлигини таъминлаш воситалари, маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш, RFID-технологиялари ва бошқа мавзуларда маърузалар қилишди.

— АКТ соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг истиқболли йўналишлардан бири эканини қайд этмай иложи йўқ. Биз ушбу бозор салоҳиятини юксак баҳолаймиз ва МДХ давлатларидаги энг йирик инновацион технологияларни етказиб берувчи компания сифатида катта устунликлар ҳақида жамиятнинг хабардорлигини оширишга ҳаракат қиламиз, — деб таъкидлади



"SITRONICS" ОАЖнинг маркетинг ва бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти Борис Вольпе.

Халқаро сотувлар бўйича директор Полина Пономарева қуйидагилар ҳақида гапирди: "SITRONICS" компанияси бир неча йилдан бери Ўзбекистон бозорига ўз технологияларини олиб кириш бўйича муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. 2009 йилнинг охирида Россиянинг "Мобильные ТелеСистемы" (МТС) мобил алоқа операторининг шўъба компанияси билан MEDIO IN/OCS конвергент ечимлар учун платформа жорий этиш юзасидан шартнома имзоланди. Usabhu биллинг тизимидан Vodafone Czech, TeletcomSrbija, Callax, Warid Congo, Warid Uganda, MTS-India компаниялари ҳам фойдаланалар. Ушбу биллингнинг асосий ўзига хос жиҳати "ўта ишончлилиги, муфассал конвергентлиги, горизонтал ва вертикал кўламлилиги" ҳисобланади.

Шунингдек, "SITRONICS Telecom Solutions" ЁАЖ бош директори Михаил Бондаренко ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди:

— Йирик шаҳарлар аҳолиси ва инфратузилмаси хавфсизлигини

таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — деди у. — Бугунги кунда хавфсизлик — давлатнинг, бизнес ва ҳар бир фуқаронинг энг устувор истагидир ва уни таъминлаш ҳар доим долзарб ва стратегик муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Хавфсизликни таъминлашнинг замонавий усулларини дастурий-мослама мажмуаларини татбиқ этишга асосланган инновацион ечимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

"SITRONICS" ОАЖ экспертлари комплекс хавфсизлик соҳасидаги ўзларининг ҳамда ҳамкорларининг маҳсулотларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва бирлаштириш борасидаги тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Семинар иштирокчилари таъкидлашганидек, шаҳарларнинг хавфсизлик тизимларини қуриш учун таклиф этилган ечимлар интеллектуал видеоназорат, объектлардан фойдаланишни бошқариш, назорат қилиш ва аҳолини оғоҳлантириш тизимлари, қарорлар қабул қилиш тизими воситалари, йўлларда, жамоат ва махсус транспорт воситаларида хавфсизлик каби йўналишларни ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир.

М.МИРКАМолова

## Хамкорлик уфқлари

**ТАТУ Фаргона филиалида Россия Федерациясининг Иркутск давлат техника университети вакиллари билан учрашув ва давра суҳбати ташкил этилди.**

Учрашувда Иркутск давлат техника университети халқаро факултети декани В.Ефремов, халқаро фаолият бошқармаси бошлиғи Е.Арбатскаялар сўзга чиқишиб, кенг миқёсда олиб борилаётган илмий ва ўқув-услубий ишлар ҳақида маълумот беришди.

"Замонавий олий ўқув юрти халқаро миқёсларни кўзлаб фаолият юритмаса, тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб қолади, — деди В.Ефремов, — шу мақсадда биз Ўзбекистондаги техника олий ўқув юрлари билан хамкорлик алоқаларини ўрнатиш, глобал муаммоларни биргаликда ҳал этишни режалаштиряпмиз".

Шундан сўнг В.Ефремов Иркутск давлат техника университетининг тарихи ва ҳозирги кундаги тугган ўрни тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Бу даргоҳ Россия Федерациясидаги нуфузли олий ўқув юрларидан ҳисобланиб, яқинда ўзининг 80 йиллик юбилейни тантанали равишда нишонлади. Университетнинг халқаро хамкорлик доираси гоят улкан бўлиб, ҳозирги кунда жаҳоннинг 18 мамлакати билан турли йўналишларда алоқа ўрнатган.

Кейинги йилларда дунёдаги 34 мамлакатнинг икки мингдан ортиқ фуқаролари мазкур олий ўқув юртини битириб, етук мутахассислар сафидан жой олганининг ўзи бу илм маскани салоҳияти нечоғлик юқорилтигидан далolat беради. Университет таркибида 4 институт ва 6 факултет бор, уларда 88 йўналишда олий маълумотли мутахассислар тайёрланади. Университетнинг 1300 нафар профессор-ўқитувчиларидан 800 нафари илмий даража ва унвонга эга. Ҳозирги кунда университетда Россия ва жаҳондаги турли мамлакатлардан келган 30 мингдан ортиқ йигит-қизлар таълим олишмоқда.

"Биз Россия таълими жаҳон илм-фанига қай даражада таъсир кўрсатаётганини яхши ҳис этамиз, — деди филиал директори профессор Р.Тешабоев. — Шу жиҳатдан Иркутск давлат техника университетининг инновацион соҳалардаги хамкорлиги таҳсинга сазовордир. Бу илмий даргоҳда ахборот технологиялари ва алоқа тизими, нанотехнология, микротизимли техника каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар ва тўпланган тажрибалар бизда катта қизиқиш уйғотди. Яқин келажакда биз умидли шогирд-тадқиқотчиларимизни шу каби нуфузли илм марказларига юбориб, илмий тадқиқотлар олиб боришга йўналтирмақчимиз. Қувонарлиси шундаки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Тош-

кент ахборот технологиялари университети бизнинг халқаро миқёсдаги фаолиятимизга яқиндан ёрдамлашиб, истеъодли ёш кадрларни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида аҳамият бермоқда".

Учрашувда меҳмонлар филиал профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг саволларига жавоб беришди. Физика-математика фанлари доктори А.Расулов, "Ижтимоий фанлар" кафедраси муdiri доцент Н.Усмонов, "Касбий таълим" кафедраси муdiri доцент Б.Мирзакаримов ўзаро хамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир қимматли фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Шунингдек, очик мулоқотда Россия таълим тизими, Иркутск давлат техника университетидаги бакалаврият, магистратура ва аспирантура босқичларида олиб борилаётган ишлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилди. Филиал талабалари М.Тиллабоева, А.Горовикнинг фикр-мулоҳазалари меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди.

Учрашувдан сўнг меҳмонлар филиалнинг ўқув мажмуаси, шунингдек, видеоконференция зали, аудитория ва лаборатория хоналари билан танишишди.

**Набижон СОЛИЕВ,**  
ТАТУ Фаргона филиали доценти,  
Ўлмасбек КАРИМОВ,  
"Ижтимоий фанлар" кафедраси  
катта ўқитувчиси

## КОМПЮТЕРЛАР САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИДА

Фаргона вилояти давлат-профилактика муассасаларининг барчаси бугунги кунда сўнгги русумдаги компьютерлар билан тўлиқ таъминланган.

Айни пайтда шаҳар ва туманлар шифо масканларидаги барча компютерлар замонавий модем алоқаси орқали вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги марказий пултга уланган. Уларга киришган махсус дастурлар даволаш-профилактика ишини самарали ташкил этишга кўмак берапти. Яъни, ҳар бир шифохона компютерига муайян муддатда амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади, сўнг уларни жамлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда зарурий тавсиялар бериш ишлари тез ва осон бажарилади. Қолаверса, бундай қудайликлар халқ саломатлигини муҳофаза қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш жараёнини ҳам осонлаштиради.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ







# уни асраб-авайланг ҳар дам!

Соҳадаги нуфузли алоқа ташкилотларидан бири — “Ўзалоқонсалтинг” МЧЖ раҳбари Тохир Бикметовга кўнғирок қилиб, 8 Март — Халқаро хотин кизлар кўни муносабати билан корхонада ишловчи аёллар ҳақида саҳифа тайёрламоқчи эканлигимизни айтдик. Тохир ака шундай жавоб бердилар: “Корхонамизда тўрт нафаргина аёл ишлайди. Уларнинг ҳар бири ўз ишига масъулияти, одоби, меҳнатсеварлиги билан ҳурмат қозонган. Келаверинг, ҳар қанча ёзсангиз арзийди”.

Шундай қилиб, бу хикоя ана шу тўрт оқила алоқачи ҳақида.

## Алоқачилар оиласи соҳиббаси

Ноила Алиева дилига бир мақсадни тугиб, унга эришиш учун бор куч ва имкониятларини сарфлайдиган, қийинчиликлардан қўчмай, фақат олға интиладиган инсонлар тоифасидан. Мана шу хислати туфайли у ўзи танлаган касб — алоқачилик орқали нафақат элда обрў-эътибор топди, балки фарзандлари қизиқишини ҳам ўз соҳаси томон йўналтириб, алоқачилар оиласини бунёд этди.



— Онам узоқ йиллар қурилиш трестида бухгалтер бўлиб ишлаган, — дейди Ноила биз билан суҳбатда. — Шу сабаб биз — фарзандларининг ҳам аниқ фанлардан яхши ўқишимиз учун ҳаракат қилган. Лекин касб танлашни ўзи-

мизга қўйиб берган. Мен алоқачилик касбини танладим ва Тошкент алоқа политехникумига ўқишга кирдим. Кейинчалик ТАТУни сирдан битирдим.

Политехникуми муваффақиятли тамомлаган Ноила иш фаолиятини

Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигида катта муҳандисликдан бошлади ва ўн йил шу вазирликда меҳнат қилди. 1992 йили у “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси режалаштириш ва тарифларни таҳлил қилиш бўлими етакчи муҳандислиги вазифасига ишга ўтди. 2003 йилда “Ўзалоқонсалтинг” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, Ноилани янги алоқа корхонасига ишга таклиф этишди. Шундан бери Ноила Алиева жамият инжиниринг хизматлари бўлимини бошқариб келмоқда. Кўл остидаги ходимларга ғамхўр ва меҳрибон, талабчан устоз.

Ноиланинг соҳадаги кўп йиллик ва самарали меҳнатлари соҳа раҳбарияти томонидан муносиб тақдир-

ланган. Унга 2007 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ўз касбининг устаси” ишони берилган.

Ноила Алиева фарзандлари қалбида ҳам касбига муҳаббат уйғота олди. Улар онаси йўлидан бориб, алоқачилик касбини танлашган — қизи Мадина “UNICON.UZ” давлат унитар корхонасида муҳандис бўлиб ишлаётган бўлса, ўғли Темур “East Telecom” қўшма корхонасида менежер ёрдамчиси бўлиб ишлаш билан бирга, ЮНЕСКО ташкилоти қошида ташкил этилган Халқаро техника университетида таҳсил олмоқда.

— Фарзандларим — менинг бахтим, — дейди Ноила мамнуният билан. — Улар эл қорига ярашдек эзгу йўлни танлаган экан, мен бундан хурсандман ва кўлимдан келганича уларга ёрдам бераман.

## Ота-она изидан

Фарзанд тарбиясида оилавий муҳитнинг аҳамияти катта. Буни “Ўзалоқонсалтинг” МЧЖ етакчи мутахассиси Галия Аҳмадиева мисолида яққол кўриш мумкин.

Давлат алоқа инспекциясида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган Исмоил ҳамда шу корхона иқтисодчиси Римахоним буш вақтларида суҳбатлашиб ўтиришса, албатта, гап бориб алоқа соҳасида олиб борилаётган ишларга тақаларди. Улар ўзгаришлар, янги техника ва технологиялар ҳақида гаплашишарди. Бу гапларнинг Галияга яхшигина таъсири бўлганини унда техника соҳасига меҳр уйғонганида яққол кўринди.

Пойтахтдаги 37-лицей-мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Га-



лия Тошкент техника университетида ўқишга кирди. Университетнинг магистратура бўлимини ҳам тамомлаган иқтидорли қиз иш фаолиятини Тошкент давлат универ-

ситетида бухгалтерликдан бошлаб, кейинчалик “Ўзалоқонсалтинг” МЧЖ инжиниринг хизматлари бўлимига ишга ўтди. Унинг тажрибаси ошиб боргани сари вазифаси ҳам юқорилай борди. Бугунги кунда у етакчи мутахассис вазифасида меҳнат қилмоқда.

Галия ишлаш билан биргаликда, оиладаги юмушларни ҳам маромига етказиб бажарди. Шунинг учун ҳам турмуш ўртоғи Диан уни ўзгача ҳурмат қилади. Қизи тарбиясида, оила юмушларида Галияга яқиндан ёрдам беради.

Галия Аҳмадиеванинг мақсади — зиммасига юклатилган вазифа орқали аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.



## Орзулари бир олам

Жамият консалтинг хизматлари кўрсатиш гурӯҳи етакчи мутахассиси Руфина Раҳимжонованинг орзулари бир олам. У келажакда яхши оиллага бека бўлиш, ўзининг камтарона меҳнатлари орқали юртимизда алоқа хизмати сифати ва ҳажмининг орттишига муносиб улуш қўшиш, Тошкент шаҳар “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш” марказида невролог-шифокор бўлиб ишловчи онаси Гулшол қамата автомобил йўллари муҳандиси бўлиши, оиласи Фаридлар олдидagi фарзандлик бурчини тўлиқ адо этишдек эзгу орзулар билан ишлагани, меҳнат қилгани, иштироки.

Руфина иштиқол йилларида ўқиди, вояга етди. У юртимизда ёшлар учун яратилган барча имтиёзлардан, шароитлардан фойдаланиб, ҳаётда ўз ўрнини топапти.

— Ўзбекистондаги жаннатмонанд юртда тутилганимдан бахтиёрман, — дейди Руфина. — Минг шукурки, юртимизда ёшларнинг ўқиб-билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Юртбошимиз бизни ўз фарзандларидан яхши кўриб, катта ишонч бидирмоқдалар. Мен ҳам барча тенглошларим қатори Президентимиз ишончини оқлашга, юртим ривожига муносиб ҳисса қўлишга ҳаракат қиламан.

Кўзларида гайрату шижоат аке эгиб тургани, камтар ва мулойим қиз Руфинанинг орзулари амалга ошишига биз ҳам тилакдошимиз.

## Омадли муҳандис

Халқимиз ёшларни янги ўсиб чиққан ниҳолга ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ниҳолнинг қай даражада тўғри ўсиб, мўл ҳосил бериши яратилган шароит ва дарахтга ишлов берувчи боғбон меҳнатига боғлиқ бўлганидай, ёшларнинг ҳаётда тўғри йўл топа олиши ҳам улар вояга етган муҳит ҳамда устозлар эътибори-ю талабчанлигига боғлиқ.

Бу борада етакчи мутахассис Аделя Мингированинг омади чопган. У барча шароитлар муҳайё этилган 71-мактабда ўқиди. Ўзидаги иқтидор сабаб, 2006 йилда мактабни аъло баҳоларга битирди ҳамда шу йилнинг ўзида энг нуфузли олий ўқув юртиларидан бири — Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари факултетида ўқишга кирди.

Ўқишни битиргач, иш борасида ҳам омади чопди — меҳнат фаолиятини уюшган ва ўзаро меҳр-оқибатли жамоада муҳандисликдан бошлади. Билмаганларини устози Ноила Алиевадан, ҳамкасбларидан ўрганди. Бугунги кунда унга масъул вазифа — инжиниринг хиз-

матлари бўлими етакчи мутахассислиги ишониб топширилган.

Омад тўғриси, меҳнатсевар, ҳалол одамларни қидириб юриши рости. Аделянинг оила қуришида ҳам омади чопди. Пойтахтимиздаги банклардан бирида етакчи мутахассис бўлиб ишловчи Вадим билан севиб ва севилиб турмуш қурди.

Бугунги кунда А.Мингирова ТАТУнинг магистратура бўлимига ўқишга кириш ниётида. Бу борада ҳам унинг омади келса ажаб эмас.





## РАЗВИТИЕ

## библиотечного обслуживания на базе ИКТ

В целях обеспечения дальнейшего перехода на качественно новый уровень информационно-библиотечного обслуживания населения, на основе современных информационно-коммуникационных технологий, объединения информационно-библиотечных учреждений в единое информационное пространство, удовлетворение интеллектуальных потребностей подрастающего поколения, сохранения и укрепления культурных, духовно-нравственных ценностей, развития системы образования и самообразования учащих учреждений и населения Президентом Республики Узбекистан 23 февраля 2011 года принято Постановление «О мерах по дальнейшему качественному

развитию информационно-библиотечного и информационно-ресурсного обслуживания на базе информационно-коммуникационных технологий на 2011-2015 гг.».

Постановлением утверждена Программа мероприятий и Целевые параметры по: совершенствованию нормативно-правовой базы; оснащению информационно-библиотечных учреждений; созданию интегрированной информационно-библиотечной сети Республики; формированию фонда электронных информационно-библиотечных ресурсов; подготовке высококвалифицированных кадров на 2011-2015 годы.

Согласно данному постановлению при Национальной библиотеке Узбекистана имени

А.Навои создается Республиканский центр сводного электронного каталога. Также установлено, что не производимые в Республике: оборудование, материалы и не издаваемые книги и периодические издания, включая электронные издания, предназначенные для информационно-библиотечных учреждений, ввозятся в Республику до 31 декабря 2015 года без уплаты таможенных платежей (за исключением сборов за таможенное оформление) по перечням, утвержденным Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

В целом по Республике за период 2011-2015 годы будут созданы электронные библиотеки на базе 1815 информационно-библиотечных учреждений.

## «БИЛАЙН»

## запустил новую базовую станцию на высоте 1400 метров над уровнем моря

Единый оператор связи «Билайн» сообщает о запуске новой базовой станции в Сурхандаринском вилояте. В зоне ее покрытия находятся 4 поселка и санаторий «Омонхона», который ежегодно посещают около 200 000 человек со всей страны.

Комментируя событие, директор Южного регионального филиала «Unitel» Улутбек Ахмедов отметил: «Данный проект действительно уникален, поскольку базовая станция возвышается почти на полтора километра над уровнем моря. Добраться сюда на машине просто невозможно, а пешком на восхождение уходит пара часов. Но установка, безусловно, стоила потраченных усилий, ведь теперь сотни тысяч людей в труднодоступном районе могут пользоваться связью и мобильным интернетом».

НОВЫЙ ПОРТАЛ:  
OLAM.UZ

1 марта 2011 года состоялась пресс-конференция посвященная открытию интернет-портала Узбекистана OLAM.uz.



Миссией Портала Узбекистана OLAM.uz, являются обеспечение пользователей Узбекистана современными интернет услугами для увеличения и совершенствования узбекского национального контента в сети интернет, а также для ускорения создания информационного общества в Республике Узбекистан.

Портал OLAM.uz предоставляет пользователям Узбекистана свежие новости о главных событиях политической, экономической и культурной жизни страны и зарубежья, современную, удобную и надёжную почту, поисковую систему, ТВ-программу на 18 каналов, сервис поиска вакансий и резюме, прогноз погоды в 22 городах Узбекистана.

В ближайших планах команды OLAM.uz запуск новых сервисов: социальной сети, блогов, словарей, а также разделы: для женщин, афиша, футбол, авто.

Над проектом работают специалисты в области информационных технологий и маркетинга, опытные журналисты.

Руководитель портала OLAM.uz Александр Камышев заявил: «OLAM.uz намерен быстро развиваться и наращивать сервисы и разделы. Портал Узбекистана должен объединить всё лучшее, что есть в Узнете, а также привнести новые, интересные сервисы, которых сегодня пока нет. Мы уверены, что OLAM.uz будет стартовой страничкой каждого интернет-пользователя нашей республики и будем работать, над тем, чтобы OLAM.uz стал по-настоящему «народным» интернет-порталом Узбекистана».

МТС ОБЪЯВЛЯЕТ КОЛИЧЕСТВО  
АБОНЕНТОВ НА КОНЕЦ ЯНВАРЯ 2011 ГОДА

В январе 2011 года консолидированная абонентская база МТС увеличилась на 262 тыс. пользователей.

Абонентская база, млн. чел.	31 января 2011 г.	31 декабря 2010 г.	Рост		31 января 2010 г.	Рост	
			Аб.	%		Аб.	%
Консолидированное число абонентов на конец периода	103,61	103,35	0,26	0,3%	97,46	6,15	6,3%
Россия	71,50	71,44	0,06	0,1%	68,88	2,62	3,8%
Москва и Московская область	13,50	13,19	0,31	2,4%	13,40	0,10	0,7%
Санкт-Петербург и Ленинградская область	3,98	4,00	(0,01)	(0,3%)	3,72	0,26	7,1%
Остальные регионы России	54,01	54,26	(0,24)	(0,4%)	51,75	2,26	4,4%
Украина	18,21	18,24	(0,027)	(0,15%)	17,52	0,69	3,9%
Узбекистан	9,00	8,79	0,22	2,5%	7,19	1,81	25,2%
Туркменистан <sup>1</sup>	2,41	2,42	-0,01	-0,4%	1,79	0,62	34,8%
Армения	2,48	2,46	0,02	0,9%	2,08	0,41	19,6%
Беларусь <sup>2</sup>	4,74	4,72	0,02	0,3%	4,55	0,18	4,0%

<sup>1</sup>Сокращение числа абонентов обусловлено приостановкой коммерческой деятельности МТС в Туркменистане с 21 декабря 2010г. в связи с приостановкой действия лицензии. Данные за январь отражают отток тех абонентов, которые расторгли контракт с МТС.

<sup>2</sup>Дочернее предприятие МТС в Республике Беларусь, ООО "Мобильные ТелеСистемы", в котором МТС принадлежит 49% акций.



## NeuroMED

### НЕВРОЛОГИЧЕСКАЯ КЛИНИКА

**SERVIS**

Впервые в Узбекистане открыт специализированный медицинский центр, предоставляющий высококвалифицированные неврологические услуги

**Консультации врачей:**

- ★ Невропатолога-профессора
- ★ Невропатолога
- ★ Детского невропатолога
- ★ Окулиста
- ★ Психотерапевта
- ★ Терапевта

**Диагностические и лечебные услуги**

- ★ Доплерография
- ★ Электрокардиография
- ★ Электронцефалография
- ★ Эхоэнцефалоскопия
- ★ Паравертебральные блокады
- ★ Блокада мышц
- ★ Иглорефлексотерапия
- ★ Вытяжение позвоночника
- ★ Мануальная терапия
- ★ Дневной стационар

**Физиотерапевтические услуги**

- ★ Лазеромагнитотерапия
- ★ Д'арсенваль
- ★ Фонофорез с лекарственными средствами
- ★ Электрофорез с лекарственными средствами
- ★ СМТ, ДДТ, УВЧ
- ★ Магнито-вакуумная терапия
- ★ Лечебный массаж
- ★ Вибромассаж
- ★ ЛФК

Услуги лицензированы

г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, напротив ТашиУВ  
тел.: 268-0816, 268-4081; e-mail:neuromed-servis@mail.ru



# Хабар +tv

100% **УЗБЕКСТОН**

07:00 "Теледиджоннал".  
5:55 Курсулар дастури.  
6:00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
7:00 "Ишқ эртаси", Т/с.  
8:00 "Тавдонию".  
8:45 - 9:45 "Минияшнинг" дастури.  
"Бошлар сайераси".  
9:45 "Қўшигим - жон қўшигим".  
10:05 Муалфилар.  
10:35 "Ислом".  
10:40 Умумий миллий симфоник оркестрининг концерти.  
11:00 "Ахборот".  
11:15 "Абдунон чамбарчи", Т/с.  
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12:50 "Кўнгил қўшиқ истайди".  
13:00 "Ватанларвар".  
13:40 "Шўрунак", Ҳажийи курсату.  
14:05 "Ислом".  
14:10 "Радиога ташриф".  
14:25 Миллий сериал: "Меҳрибоним".  
15:30 "Кўеш ширин".  
15:55 Миллий сериал: "Меҳрибоним".  
17:00 "Ахборот".  
17:15 "Ойил сўз".  
"Бошлар сайераси".  
17:55 "Эртанлар - яхшиликка олавер".  
18:15 "Кўнгил қўшиқ истайди".  
18:20 "Сарой жамоғини", Т/с.  
19:00 "Олмаслардан бирин".  
19:10 "ТВ - шифокор".  
19:25 20:00, 20:55 Эълонлар.  
19:30 "Ахборот" /рус/.  
20:10 Миллий сериал: "Меҳрибоним".  
20:45 "Оттин мерос".  
21:00 "Ахборот".  
21:40 Хотин - қизлар кунига бағишланган байрам дастури.  
22:20 Миллий кино: "Ойиқон".  
01:15 - 01:40 "Ойиқон".  
02:40 Курсулар дастури.  
02:45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Яркенг".  
02:55 "Кўнгил қўшиқ истайди".  
3:00 "Ахборот" /рус/.  
3:35 - 2:35 "Минияшнинг" дастури.  
2:35 "Ватан мангилари".  
3:00 "Оттин мерос".  
3:10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4:00 "Ахборот".  
4:35 Миллий сериал: "Меҳрибоним".  
5:10 "Радиога ташриф".  
5:25 "Олмаслардан бирин".  
5:45 - 5:55 "Ойиқон".



5:55 "Дастурнинг оғиллиши".  
6:00 "Ҳажон мусокаси".  
6:00 "Апта талом".  
7:10 "Мультипанорама".  
7:50 "Эмеральда", Т/с.  
8:00 "15-студия".  
9:30 "Дуторин қизлар".  
9:50 "Дил иккери".  
10:00 "Длар ҳафта икенда".  
10:30 Миллий кино: "Танва".  
11:40 "Даврани бақари".  
12:00 "Миллий муалфилар".  
12:10 "Сарой шомоли", Т/с.  
13:00 "Длар".  
13:20 "Ҳиммат фаршам".  
13:30 "Қулоқ", Т/с.  
14:20 "Ўнўтукмас оҳанлар".  
15:20 "Ўзбегон".  
16:00 "Длар".  
16:10 "Сурағи", Т/с.  
16:40 "Наманган суҳбадари".  
17:00 "Меҳрибонимам", Б/ф, 1-қисм.  
18:10 "Длар мангули".  
18:30 "Ёшлик наволари".  
18:50 "12:50".  
19:00 "Длар".  
19:30 "Қулоқ", Т/с.  
20:20 "Ёшлик наволари".  
20:40 "Ҳодиса-ҒМ".  
21:10 "Сарой шомоли", Т/с.  
22:00 "Длар".

22:40 "Сурағи", Т/с.  
23:10 "Ёшлик наволари".  
23:30 "Мушқам севди".  
00:00 "Ҳажон мусокаси".  
1:00 "Афсона ва ҳақиқат".  
2:00 "Длар".  
2:30 "Қўшиқим қиз", Б/ф.  
4:10 "Илҳом қанотлари".  
4:40 "Меҳрибонимам", Б/ф, 1-қисм.  
5:50-5:55 "Юрт тинчлиги".

100% **ЎЗБЕКСТОН**

07:25 Курсулар тартиби.  
07:30 "Салом, Тошкент".  
08:30 "Карвонасарой".  
08:40 Муъриятлар: "Айиқна Гамма" - 103 - қисм.  
08:50 "Тақдир тухуми".  
09:15 "Интеллектуал аукцион".  
09:30 "Кўнун дорисола".  
09:45 "Ўйбўзи қирққирини", Б/ф.  
11:15 "Муҳолафа учун мавзу".  
11:40 "Мақолада дув-дув гап", Б/ф.  
13:00 "Салом, Тошкент".  
14:05 "Дуно" теледастури.  
14:55 "Уйларим".  
15:00 "Пойтахт".  
15:15 "Тақдир тухуми", Т/с, 8-қисм.  
15:40 "Карвонасарой".  
15:50 "Қаҳил гўл", М/ф, 1-қисм.  
16:30 "Сарувайиллар орали".  
17:00 "Тошкентда тапша".  
17:05 "Минияшнинг физиоляри".  
17:25 Миллий сериал: "Ҳаёт жадилари", 33-қисм.  
18:00 "Пойтахт".  
18:25 "Саломат бўлинг".  
18:40 "Эртанга элгари".  
19:00 "Интеллектуал аукцион".  
19:10 "Истеълоқ".  
19:25 Тошкент тароналари.  
19:45 "Телекурьер-маркет".  
19:55 "Пойтахт".  
20:00 "Пойтахт".  
20:25 "Шаҳардонин қўшиғи", Т/с, 20-қисм.  
20:55 "Менинг шаҳрим".  
21:15 Тошкент тароналари.  
21:35 "Телекурьер-маркет".  
21:45 "Интервью".  
21:55 "Уйларим".  
22:00 "Ҳаёт фақоляси".  
22:15 Эко- "Пойтахт" /рус/.  
22:30 "Пойтахт" /рус/.  
22:55 "Қуто SMS со эвбедими".  
00:30 "Ошманан тобон", Х/ф.  
00:20 Курсулар тартиби.  
00:25 "Профессионал".  
00:40 Эко- "Пойтахт" /рус/.  
00:50 "Ўзбек песна", Х/ф.  
02:35 "Уйларим".  
02:40 "Саломат бўлинг".  
02:55 "Кўнун дорисола".  
03:10 "Қуто командасининг сув ости саргалари", Х/ф, 99-қисм.  
03:35 "Мақолада дув-дув гап", Б/ф.

100% **SPORT**

6:00 "Ҳайри тоғи".  
6:10 "Саломат бўлинг".  
6:35 "Реннуремас весте".  
6:50 "Жасур болалар".  
7:25 Болалар майдончаси: Тонгин гимназияси.  
8:00 ХАБАРИЛАР.  
8:30 "Саломат бўлинг".  
8:50 Футбол, Германия чемпиони.  
"Гинловер" - "Вардари".  
10:35 "Ҳинг қирққирини".  
11:20 Футбол, Россия суперкубоги.  
"Зениг" - ЦСКА.  
13:00 Рақиялар, нитқоқлар, репүүллар.  
13:05 Болалар майдончаси: "Спортландия".

Муалфилар.  
13:35 Енгил атлетика. Европа чемпиони.  
14:40 Теннис. Дэвис кубоги.  
Ўзбекистон - Янги Зеландия.  
16:15 Футбол. Англия чемпиони.  
"Дивертуль" - "Манчестер Юнайтед".  
18:00 Болалар майдончаси: "Спортландия".  
Муалфилар.  
18:30 ХАБАРИЛАР.  
18:50 Саломатлик хазинаси.  
18:55 "Баржомиқ аилда".  
19:15 Дюдо. Ўзбекистон чемпиони.  
20:25 "Футбол шарқи".  
21:30 ХАБАРИЛАР.  
21:50 Саломатлик хазинаси.  
21:55 Интернет.  
23:35 Сешваба дастури алоҳиси.  
23:55 Биолон. Жаҳон чемпиони.  
1:00 Тунги хабарлар.  
1:20 Баржомиқ аилда.  
1:40 Енгил атлетика. Европа чемпиони.  
2:40 Теннис. Дэвис кубоги.  
Ўзбекистон - Янги Зеландия.  
4:15 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.  
"Олмалик" - "Нефчи".

07:00 09:00 13:50 17:10 18:00 19:30  
02:15 Ўзбек наволари  
08:10 14:40 18:40 Т/с: "Муҳаббат асарлари"

09:40 Т/с: "Скользящие"  
10:30 Топ-10  
11:30 "Ира" Х/ф.  
14:30 Ритме тиле (рус)  
15:30 Муалфилар.  
17:30 "Премьера".  
21:10 Т/с: "СКОЛЯЗЯЩИЕ"  
22:00 "ЛЕННИК БРИДЖИТ ДЖОНС" Х/ф.  
01:00 Миксер  
01:30 Т/с: "ВОЗДЕЙСТВИЕ"  
03:00-05:00 "БОУФИНГЕР" Х/ф.

1 **БИРИНЧИ**

05:00, 09:00, 11:00 Новости  
05:10 Гени и злодеи  
05:40 "Марина Дюжова. Я вся такая независимая, противоречивая".  
08:35 "Теша".  
07:45 Армейский магазин  
08:20 "Зароные".  
09:10 Х/ф: "Весна на Заречной улице".  
11:10 "Дюбова глазами женихи".  
12:05 "Ее следим Москва поварил".  
12:50 Х/ф: "Женишыва".  
14:35 "Тарак".  
16:15 "Минута славы".  
18:05 Х/ф: "Любовь и голуби".  
20:00 "Время".  
20:15 "Большая развезд".  
21:15 Х/ф: "Про любовь".  
23:05 Х/ф: "Мой мальчик".

РОССИЯ 1

04:45 Х/ф: "Северное сияние".  
06:40 Х/ф: "Ранние судьбы".  
08:45 "Укротительница тигров".  
10:45 Т/с: "Ангелина".  
13:00 19:00 Вести.  
13:20 Т/с: "Ангелина".  
14:55 "Пираи звезд". Праздничный вечер.  
16:55 19:15 Х/ф: "Найденный-2".  
20:00.  
23:05 Х/ф: "Детям до 16..."

100% **НТВ**

02:40 Т/с: "Антибус".  
04:40 Детская утро на НТВ.  
Муалфиларми: "Бременские музыканты".  
"По следам бременских музыкантов".  
05:25 Сомтр.  
06:00 (08:00 11:00 17:00) Сегодня.  
06:25 "Жинт же жинт".  
07:00 Кулинарий поедокон с Денисом Рожковом.  
08:25 Галваня дорога.  
09:00 Квартерний вопрое.  
10:05 Свои итра.  
11:25 Татьяна Колкина в острокрокетом Т/с: "Мамочка, я жидкери ледкно".  
12:25 Т/с: "Мент и закон".  
21:20 "Музыкальный ринг НТВ".

РОССИЯ К

06:00 "Евроноски" на русском языке.  
09:00 Новости культуры.  
09:15 Программа гирери.  
09:25 "Обыкновенный человек", Х/ф.  
11:00 Легенды мирового кино.  
Детский сеанс.  
11:30 "Конек-Горбунок", Х/ф.  
12:45 Страна птиц. "Ворона большого горла", Д/с.  
13:15 "Скверстниги", Х/ф.  
14:35 Концерт Венского филармонического оркестра.  
17:10 Мировые сокровища культуры.  
"Дельна река Орхон, Кзыл, города, стунг", Д/ф.  
17:25 "Ночь в музее".  
18:10 "Романтика романа", Гала-концерт "Все подарки только от друзей".  
19:05 "Ирина Макарова - крупным планом".  
20:10 "Иль Диво. Четыре звезды".  
21:10 "Унесенные ветром", Х/ф.  
02:40 "Анастасия романа". Гала-концерт "Все подарки только от друзей".

100% **СТС**

05:00 М/ф.  
08:00 "Смелые умия и красивы".  
10:00 "Талисман".  
11:00 "Снимите это немедленно".  
12:00 Х/ф: "М+Ж".  
13:30 Комедия на СТС: "Воронины".  
14:30 "6 кадров".  
15:30 Шоу "Уральских пельменей". В гостях у скалки.  
17:00 "Карик Нос" фильм.  
18:30 "Смивайси" фильм.  
20:00 Х/ф: "Между небом и землей".  
СНН, 2005 г.  
21:45 Х/ф: "Бифид".  
23:35 Х/ф: "Лучшее из обоих миров".

100% **ТВ3**

05:00 М/ф.  
08:15 Т/с: "Эвельдина войны: Войны клонов", 29, 30 серии.  
09:15 Т/с: "Удивительные странствия Гераски", 18 серии.  
10:15 18:00 Х/ф: "Доктор Дулиттл 2".  
20:00 17:00 "Северный приговор".  
Геннадий Хазанов.  
13:00 Т/с: "Мертвые, как и", 3, 4 серии.  
15:00 19:45 Х/ф: "Шпилюк 2".  
Россиа, 2009.  
21:45 "Шикотекта 80-х".  
01:00 Х/ф: "Наши пришельцы: душа и тело".





5.55 Курсатулар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
7.00 "Ишқ эртани". Т/с.  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Табаассум".  
9.10 "Шимол на жануб". Б/ф.  
10.10 "Саломатлик сирлари".  
10.30 "Ангана".  
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.  
11.45 "Куналаринг бирда".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
13.05 Миллий сериал: "Меҳрибоним".  
13.40 "Заковат".  
14.40 "Чемпион". Б/ф.  
14.40 "Иқлим".  
16.45 "Болалар дунёси".  
17.15 "Бахшиена".  
17.20 "Рангин дунё".  
17.40 "Оқдарабо".  
18.25 "Ишқ эртани". Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эшонлар.  
19.30 "Ахборот". /рус/.  
20.10 Миллий сериал: "Денгиздан томчи".  
20.45 "Отгин мерос".  
21.00 "Гадилнома".  
21.45 "Балавандик". Б/ф.  
23.15 "Иқлим".  
23.20 "Шерлок Холмс саргузаштлари". Б/ф.  
00.30 - 00.35 "Очун".  
00.35 Курсатулар дастури.  
00.40 "Рангин дунё".  
1.00 "Ахборот". /рус/.  
1.35-2.15 "Маънавият" дастури.  
2.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.  
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
4.00 "Ахборот".  
4.35 Миллий сериал: "Денгиздан томчи".  
5.10 "Ифтихор".  
5.15 "Азизим".  
5.45 - 5.55 "Очун".



5.55 "Дастурнинг оқидили".  
6.00 "Ҳаётбахш наволар".  
7.00 "Буғун".  
7.30 "Салом, Наврӯз".  
7.50 "Ҳаёт учун ҳаёфин". Б/ф.  
9.20 "Сотилик-бойлик".  
9.40 "Зумрад баҳор".  
9.45 "Omad lotto".  
9.55 "Телетуҳфа".  
10.00 "Ватанпарвар".  
10.40 "Денгиз ҳукмдори". Т/с.  
11.30 "Айланай".  
12.10 "Дуторчи қизлар".  
12.30 "Ош бўксини".  
13.00 "Катта танлафуз".  
13.30 "Кирол Шер-3". М/ф.  
14.40 "Болалар табаассуми".  
14.50 "Рузгор мактаби".  
15.30 "Муҳаббатта ошно қавлар". Б/ф.  
18.30 "Ешлик наволари".  
18.50 "Сумалак ҳаёли".  
19.00 "Давр ҳафта ичида".  
19.30 Миллий сериал: "Жаблжидгон".  
20.10 "Тарангум".  
21.00 "Кулгу". Ҳажвий дастур.  
21.30 "Унутилмас оҳанглар".  
22.30 "Афсусар". Б/ф.  
00.40 "Ҳаёт-мамот". Т/с.  
1.20 "Ватанпарвар".  
2.00 "Давр".  
2.30 "Болалар боқасидаги полициячи". Б/ф.  
4.10 "Илҳом қанотлари".  
4.40 "Денгиз ҳукмдори". Т/с.  
5.50-5.55 "Юрт тинчлиги".




07.25 Курсатулар тартиби.  
07.30 "Салом, Тошкент".  
08.30 "Карвонсарой".  
08.40 Мультисериал: "Айиқча


Гамми "109-қисм.  
08.50 "Тақдир туҳфаси". Т/с.  
11-қисм.  
09.10 Эко-"Пойтахт".  
09.20 "Интеллектуал аукцион".  
09.45 Миллий сериал: "Ҳаёт жадаллари". 38-қисм./Яқуловнинг/  
10.15 "Қар ортида".  
10.30 "Гладиатор". Б/ф.  
1-2 қисмлар.  
10.40 "Салом, Тошкент".  
14.00 "Уларнинг".  
14.05 "Саргузаштлар орали".  
14.30 "Бир қадим олга". Б/ф.  
16.20 "Карвонсарой".  
16.30 "Музлик даври". М/ф.  
17.50 "Тошкентда латифа".  
17.55 "Мулоқоза учун мавзун".  
18.20 Ти-монитор.  
18.25 "Менинг шахрим".  
18.45 "Нима учун?".  
19.25 Тошкент тароналари.  
19.45 "Телекурёр-маркет".  
19.55 "Кинотаждими".  
20.25 Миллий кино: SMS-ен мени сезамини". Б/ф.  
22.00 Тошкент тароналари.  
22.20 "Телекурёр-маркет".  
22.30 "Открытая дверь".  
23.00 "Кино SMS со звездами: "Ничего личного"; "История юга"; "Магнолия".  
01.00 Курсатулар тартиби.  
01.05 "Телепорт". Х/ф.  
02.30 "Афиша". /рус/.  
02.45 "Менинг шахрим".  
03.05 "Истеаола".  
03.20 "Тошкент оқшомлари".  
03.55 SMS-ен мени сезамини". Б/ф.




6.00 "Хайрли тонг".  
6.10 "Спортнинг маликалари".  
6.50 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. "Бунёкор" - "Навбахор".  
8.30 ХАБАРЛАР.  
8.55 "Кувинк стартлар".  
9.30 "Алтека слугает".  
10.20 ИнтерФутбол.  
12.10 Велопатия. Париж - Ницца. 5 - босқич.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.05 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. "Андижон" - "Сурхондариё".  
14.50 "RING".  
15.20 "Спортчилар оиласи".  
15.55 Саломатлик хазинаси.  
16.00 ХАБАРЛАР.  
16.25 Футбол. Италия чемпиони. "Милан" - "Вари". Турридан - зурри олиб кўрсатилди.  
18.30 "Спорт - менинг ҳаётим".  
18.55 Футбол. Италия чемпиони. "Рома" - "Лацио". Турридан - зурри олиб кўрсатилди.  
20.30 "Съёз билан". Ток шоу.  
21.30 ХАБАРЛАР.  
22.00 Саломатлик хазинаси.  
22.05 "Ринг қироллари".  
23.05 Душанба дастури анониси.  
23.15 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. "Нефчи" - "Металлург".  
00.55 Жаҳон кубокларида: Тормилдиан сакраш.  
Тог чанги.  
Телетомошибилар диққатига! "Спорт" телеканалда сот.  
2.00 дан - 6.00 гаца профиланктика.




15.10 "АКВАМАРИН" Х/ф.  
18.00 Prime time (рус)  
20.30 "Кинокурёр"  
21.30 "Премьер"  
01.30 Т/с "ВОЗДЕЙСТВИЕ"  
03.00-05.00 "УЛЬТИМАТУМ БОРНА" Х/ф.



05.00, 09.00, 11.00 Новости  
05.10 Генни и злодеи  
05.40 Х/ф "Пароль знали двое"  
07.00 Смех  
07.35 "Служу Отчизне!"  
08.20 "Заровые"  
09.15 "Непутевые заметки"  
09.30 "Пока все дома"  
10.20 Фэзида  
11.15 "Ян Аралаэров. Народный мужик России"  
12.10 "Красота - страшная сила"  
13.05 Т/с "Попытка Веры"  
16.35 Х/ф "Кардиограмма любви"  
18.05 "Жестокие игры". Новый сезон.  
20.00 Воскресное "Время". Информационно-аналитическая программа  
21.00 "Музы личности"  
